

## **“Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси” давлат корхонасининг 2015 йил фаолият якунлари**

“Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси” давлат корхонаси (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) ҳисобот даври давомида Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги қарорида унинг зиммасига юклатилган асосий вазифаларни бажарган ҳолда, қуйидаги ишларни амалга оширди.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Марказий депозитарий томонидан 714 та акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари ҳисоби юритилиб, қимматли қоғозлар чиқарилишларининг умумий ҳажми номинал қийматига кўра 16 472,85 млрд. сўм миқдорига 2 319,58 млрд. дона акцияни ташкил этди.


(01.01.2015 йил ҳолатига кўра: 1088та акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозлари чиқарилишларининг умумий ҳажми 12 725,58 млрд.сўм миқдорига 965 265,90 млн. дона акция).



млн. дона корпоратив облигациялар 12 та тижорат банклари томонидан чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 24 апрелидаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2015 йил давомида акциядорлик жамиятларининг 378 та қимматли қоғозлари ҳисобдан чиқарилди. Улардан 105 таси ўз фаолиятини якунлаган, 273 та акциядорлик жамияти эса бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартирилган.

**Акциядорлик жамиятлари сони**



Акциядорлик жамиятлари сони 374 тага қисқарганига қарамай, ҳисобга олинган акция чиқарилишларининг умумий ҳажми - 3 742,42 млрд. сўмга, сон кўрсаткичида 1 354,32 млрд. дона акцияга кўпайган.

Марказий депозитарий томонидан, шунингдек, умумий қиймати 301,51 млрд.сўм бўлган 9,83 млн. дона корпоратив облигациялар ҳисоби юритилди. Улардан умумий қиймати 257,77 млрд.сўм бўлган 8,66

## Давлат активи ҳисобланган қимматли қоғозларни сақлаш ва ҳисобини юритиш

Давлат активи ҳисобланган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ҳисобини юритиш Марказий депозитарийнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. 01.01.2016 йил ҳолатига кўра 209 та акциядорлик жамиятининг устав фондидаги акция шаклида бўлган давлат улуши - 9 855, 27 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳисобот даври давомида устав фондида давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари сони 169 тага қисқарди, давлат улуши миқдори эса - 2 721,92 млрд. сўмга ортди.

445 та акциядорлик жамиятларига илгари хўжалик юритувчи субъектлар устав фондига номинал қиймати бўйича берилган давлат активлари миқдори 1 285,68 млрд. сўмни ташкил этди. Хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги давлат активлари ҳажми 794,22 млрд. сўмга ортган бўлса-да, акциядорлик жамиятлари сони 137 тага қисқарган.

### Қимматли қоғозлар чиқарилишларига хизмат кўрсатиш

Ўзбекистон Республикасининг депозитарлик тизимида қимматли қоғозларнинг ягона ҳисобини юритиш Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади. Ҳисобот даври давомида Марказий депозитарийда 456 та бирламчи, қўшимча ҳамда янги қимматли қоғозлар чиқарилишлари ҳисобга олинган.

203 та акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар чиқарилиши параметрларига ўзгартириш киритилди.

#### **Марказий депозитарий ҳисобидан қуйидагилар чиқарилган:**

21 та эмитент акция чиқарилишларининг жойлаштирилмаган қисми;

11 та эмитентнинг амалга оширилмаган деб топилган акция чиқарилишлари;

382 та эмитентнинг акция чиқарилишлари, эгалик шаклининг ташкилий-ҳуқуқий кўриниши ўзгарганлиги, тугатилганлиги ёки жамиятнинг банкрот деб эълон қилинганлиги туфайли.

Марказий депозитарий “Миллий ҳисоб депозитарийси” НКТ ЁАЖ (Россия) билан Ўзбекистон Республикаси эмитентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга халқаро кодлар мақомининг берилиши бўйича ўзаро алоқалар ўрнатди.

01.01.2016 йил ҳолатига кўра 229 та миллий эмитентнинг 344 та қимматли қоғозларига халқаро код мақоми берилган.

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга ISIN ва CFI халқаро кодлари мақоми берилганлиги ҳақидаги Маълумотнома ҳамда молиявий инструментларнинг ягона тизими ҳақидаги ахборотлар Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси расмий веб-сайти [www.deronet.uz](http://www.deronet.uz) дан ўрин олган.

Шунингдек, юқорида санаб ўтилган Маълумотнома ва ахборотлар “Тошкент” РФБ ҳамда ЎЗР Давлат рақобат кўмитаси веб-сайтларида ҳам эълон қилиниб борилади.

### Инвестиция фондларига хизмат кўрсатиш

Марказий депозитарий инвестиция фондлари томонидан чиқарилган ва уларга тегишли бўлган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ҳисобини юритиш бўйича мутлақ функцияларини бажарган ҳолда, “Olim-F” ва “Дўстлик” ХИФларига, шунингдек, “Baraka”, “Semurg”, “Daromad Plus”, “Oltin invest” ва “Камалак” каби инвестиция фондларга хизмат кўрсатмоқда. Мазкур фонд акциядорлари сони

49 539 тани ташкил қилади, улардан 49 504 таси жисмоний ва 35 таси юридик шахслар.

01.10.2015 йил ҳолатига кўра мазкур фондлар активларининг умумий қиймати 7,4 млрд. сўмни, яъни шу даврнинг бир йил аввалги ҳолати билан солиштирганда, 985,2 млрд. сўмга орган. Барча инвестиция фондларида умумий активлар қийматининг ўсиши кузатилиб, умумий активлар қийматининг салмоқли ўсиш кўрсаткичи «Baraka» ИФда – 37,84% ташкил этди ва 235,4 млн. сўмга етди.

ИФларнинг инвестиция портфеллари ҳажми 01.10.2015 йил ҳолатига кўра 6,082 млрд. сўмни ташкил этди (01.10.2014 йилда – 5,4 млрд. сўм). Инвестиция портфеллари қийматининг ўсиш кўрсаткичи «Baraka» ИФда – 40,37% кузатилиб, 187 млн. сўмни ташкил этди.

2015 йилнинг III чорагига нисбатан ИФларнинг инвестиция портфеллари даромадлилиги 2014 йилнинг III чорагига нисбатан - 2,078 млрд. сўмдан 363 млн. сўмга қисқарди.

2015 йилнинг III чорагида бешта ИФларнинг соф активлари 6,05 млрд. сўмни ташкил этди.


ИФларнинг умумий даромади 731,07 млн.сўмни ташкил этди. Бу эса 2014 йилнинг III чорагига нисбатан 1,386 млрд. сўмга кам ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич, шунингдек, дивидендлар ҳажмининг камайиши билан бевосита боғлиқ.

*Изоҳ: Инвестиция фондларнинг молиявий фаолияти якунларини амалга ошириш жараёнининг ўзига хослигини инобатга олиб, 2015 йилнинг якуний кўрсаткичлари Марказий депозитарийнинг 2016 йил I чораги бўйича ҳисоботида кўрсатилади.*

### **Акция эгалари реестрларни тўплаш ва шакллантириш ҳамда қимматли қоғозларнинг номинал сақловчиларига хизмат кўрсатиш**

Марказий депозитарий томонидан 01.01.2016 йил ҳолатига кўра, акциядорлик жамиятларининг акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш ҳамда бошқа корпоратив ҳаракатлари йўналиши бўйича, 3 043 та реестр шакллантирилди.

#### **Депозитарийлар томонидан хизмат кўрсатилган депо ҳисоб рақамлари сонининг солиштирув**




01.01.2015 йил ҳолатига кўра Марказий депозитарийда 15 та эмитентнинг 367,38 минг дона ҳужжатли қимматли қоғозлари сақланмоқда.

Марказий депозитарий 1 272,2 минг қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисобварақларига (шу жумладан, 79,4 минг ёки 6,2 фоиз – юридик шахслар, 1192,8 минг ёки 93,8 фоиз – жисмоний шахслар) хизмат кўрсатувчи 31 ҳудудий қимматли қоғозларни номинал сақловчилар билан мухбирлик алоқаларини амалга оширади.

Ўтган йилнинг худди шу даври билан солиштирганда, депо ҳисоб рақамлари сони 7,6% га қисқарган. (01.01.2015 йил ҳолатига кўра қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисоб рақамлари сони 1 377,4 минг, шу жумладан, умумий депонентлар сонининг 80,1 минг ёки 5,8% юридик шахслар ва 1297,3 минг ёки 94,2% жисмоний шахсларни ташкил этган.)

Депозитарийлар томонидан ҳисобга олинган номинал қийматдаги қимматли

#### Депозитарийлар томонидан ҳисобга олинган қимматли қоғозлар ҳажми бўйича солиштирув диаграмма



қоғозларнинг умумий ҳажми 01.01.2016 йил ҳолатига кўра 2 838,8 млрд.сўмни ёки 976,4 млрд. донани ташкил этди. Ҳисобот даври давомида номинал сақловчилар томонидан хизмат кўрсатилган қимматли қоғозлар ҳажми кўрсаткичи 150 млрд. сўмдан зиёдга кўпайган.

#### Савдо ва ҳисоб-клиринг тизимларига хизмат кўрсатиш

Марказий депозитарий “Тошкент” РФБда ҳамда иккиламчи бозорда амалга ошириладиган келушлар бўйича ҳисоб юритиш депозитарийси вазифаларини бажаради. “Тошкент” РФБ ҳамда “Элсис-Савдо” биржадан ташқари электрон савдолар тизимида қимматли қоғозларни сотиб олувчининг ҳисоб рақамига етказиш ва уларнинг кафолатланишини таъминлаш, савдода қимматли қоғозларни блокдан ечиш, электрон топшириқларни ва савдо тизимида амалга ошган битимлар бўйича ҳисоботлар ва улар бўйича ҳисобланган қимматли қоғозларни қабул қилиш, савдогача ва ундан сўнг бўладиган қимматли қоғозларни блоклаш каби операциялар комплексини ташкил этади. Мазкур операциялар электрон ҳужжат айланиши орқали амалга оширилиб, Марказий Депозитарий билан “Тошкент” РФБ, “Элсис-Клиринг” ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (ХКП), “Элсис-Савдо” АЖларни ўзаро боғлайди.

01.01.2016 йил ҳолатига кўра уюшган савдоларга чиқарилган қуйидаги қимматли қоғозларнинг мавжудлиги тасдиқланди:

##### **Бирламчи сектор (сўм майдони):**

27 та эмитентнинг давлат активлари—227,974 млн. дона қимматли қоғозлар;

57 та эмитентнинг эълон қилинган – 187,466 млн. дона қимматли қоғозлари.

**Бирламчи сектор (валюта майдони):**

5 та эмитентнинг давлат активлари – 35,580 млн. дона қимматли қоғозлар;  
33 та эмитентнинг эълон қилинган – 44,597 млн. дона қимматли қоғозлари.

**Иккиламчи сектор (сўм майдони):**

160 та инвесторнинг 264,069 млн. дона қимматли қоғозлари.

**Иккиламчи сектор (валюта майдони):**

3 та инвесторнинг 156,7 минг дона қимматли қоғозлари.

Уюшган савдолар натижаларига кўра сотиб олувчиларнинг савдо ҳисобларига қуйидаги қимматли қоғозлар етказилиши таъминланди:

**Бирламчи сектор (сўм майдони):**

эълон қилинган акциялар бўйича – 2 047 та битим бўйича 99,584 млн. дона қимматли қоғозлар.

**Бирламчи сектор (валюта майдони):**

2 та битим бўйича 495,6 минг дона қимматли қоғозлар;

**Иккиламчи сектор:**

731 та битим бўйича 255,984 млн. дона қимматли қоғозлар.

**“Elsis-savdo” АЖ майдонидаги савдоларда қуйидаги қимматли қоғозларнинг мавжудлиги тасдиқланди:**

Сўм майдони:

5 та эмитентнинг 4,779 млн. дона қимматли қоғозлари – давлат активлари;

16 та эмитентнинг 51,842 млн. дона эълон қилинган қимматли қоғозлари;

138 та инвесторнинг 11,554 млн. дона қимматли қоғозлари.

Валюта майдони:

1 та эмитентнинг 18,1 минг дона қимматли қоғозлар – давлат активлари;

2 та инвесторнинг 2,791 млн. дона қимматли қоғозлари.

Ўтказилган савдо натижаларига кўра сотиб олувчининг ҳисобига қимматли қоғозларни етказиб бериш таъминланди:

1 та битим бўйича 10,5 минг дона қимматли қоғозлар;

424 та битим бўйича 18,7 минг дона эълон қилинган қимматли қоғозлар;

740 та битим бўйича 8,792 млн. дона қимматли қоғозлар.


Марказий депозитарий томонидан ҳисобот даврида 162 097,40 млн. дона қимматли қоғозлар бўйича 95 та биржадан ташқари шартномалар рўйхатга олинган.

Рўйхатга олинган биржадан ташқари битимлар бўйича 162 329,26 млн. дона қимматли қоғозлар депо ҳисобрақамларига 124 та ўтказмалар орқали амалга оширилган.

### Депонентларнинг ягона базаси

Марказий депозитарий томонидан олиб бориладиган депонентларнинг ягона базаси 01.01.2016 йилда 1 272 197 кишини ташкил этди. Улардан 1 192 793 таси жисмоний ва 79 404 таси юридик шахслар (01.01.2015 йил ҳолатига кўра мазкур кўрсаткичлар 1 377 423 киши, улардан 1 297 306 таси жисмоний, 80 117 таси юридик шахсни ташкил этган).

Депонентларнинг ягона базасида илгари рўйхатга олинган шахсларнинг сони ҳисобот даври



давомида 105 226 тага камайиб, уларнинг 104 513 тасини – жисмоний шахслар ва 713 тасини юридик шахслар ташкил этди.

### **Ахборот-маслаҳат хизматлари**

Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси республика фонд бозорида йирик институтлардан бири сифатида ўз мижозларига кенг миқёсдаги депозитарлик ва бошқа хизматларни кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 21 майдаги 263-сонли “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Марказий депозитарий акциядорлик жамиятларига улар томонидан корпоратив хатти-ҳаракатларни амалга оширишда ҳамда қимматли қоғозлар эмиссиясини тайёрлашда маслаҳат хизматлари кўрсатади.

2015 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 24 апрелидаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2015 йилнинг 28 апрелидаги ПҚ-2340-сонли “Иқтисодиётда хусусий сектор улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда 2015 йилнинг 27 апрелидаги ПҚ-4761-сонли “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа кўплаб ҳукумат топшириқларини ўз вақтида бажариш юзасидан Марказий депозитарий томонидан 57 та акциядорлик жамиятларига қимматли қоғозлар чиқарилуви бўйича ҳужжатлар тўплаш, жамиятни ташкил этиш, қайта тузиш каби масалалар юзасидан ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатилди.

Бундан ташқари, 2015 йил давомида 10 та акциядорлик жамиятига корпоратив веб-сайтга ахборотларни бирламчи жойлаштириш ва унга ахборот ҳамроҳлиги хизматлари кўрсатилди.

Шунингдек, доимий корпоратив ҳамроҳлик кўрсатилувчи 158 та акциядорлик жамиятларига янги кучга кирган қонун ҳужжатлари ва акциядорлик жамиятлари фаолиятига тегишли бошқа меъёрий актлар бўйича тушунтириш ишлари юритиш, ахборот материаллар тўплами тарқатиш каби хизматлар кўрсатилди.

Марказий депозитарий томонидан 2016 йил давомида ҳам акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар бозорида фаолият олиб боришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга йўналтирилган ахборот-маслаҳат хизматлари кўламини янада кенгайтириш мақсадалари кўзда тутилмоқда.

### **Халқаро фаолият**

2015 йилнинг февраль ойида Москва шаҳрида (Россия) ташкил этилган “Корпоратив ҳаракатлар ислоҳотлари: таклифлар ва амалиёт” мавзусидаги анжуманда Марказий депозитарий мутахассислари иштирок этишди.

Анжуманнинг биринчи сессиясида Россиядаги корпоратив ҳаракатлар ислоҳотлари, корпоратив ҳаракатлар амалиётидаги халқаро тажриба ва долзарб ўзгаришлар, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш самарадорлигини ошириш, эмитентлар ҳаракатининг ошкоралигини таъминлашда электрон овоз беришнинг ўрни, компанияни бошқариш, акциядорлар ва инвесторлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалар сифатини яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

Иккинчи сессия корпоратив ҳаракатларни амалга оширишда Марказий депозитарийлар, кастодианлар ва рўйхатга олувчиларнинг роли, маълумотларни ошкор этишнинг долзарб ёндашувлари муҳокамаси ҳамда директорлар кенгаши фаолият самарадорлигини ошириш услублари мавзуларига бағишланди.

Шунингдек, “Миллий ҳисоб депозитарийси” (МХД) НКТ ЁАЖ билан ишчи учрашув ташкил этилиб, унда Корпоратив директорларнинг мустақил уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси вакиллари ўртасида корпоратив бошқарув масалалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси ва МХД ўртасида муносабатларини ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди.

“Инфинитум” махсус депозитарийси ОАЖ вакиллари билан бўлган ишчи учрашув жараёнида ўзбекистонлик эмитентларга IPO чиқарилувлари бўйича маслаҳатлар бериш ва ўзбекистонлик эмитентлар қимматли қоғозларини Москва банклараро валюта биржасида (МБВБ) жойлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 мартдаги “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1727-сонли Қарори ижросини бажариш доирасида Марказий депозитарий ходимлари 2015 йилнинг август ва ноябрь ойларида Корея фонд биржаси экспертлари билан ишчи учрашувларда иштирок этишди.

Ўтказилган учрашувлар давомида Ўзбекистон фонд бозорининг бугунги кундаги ҳолати ҳамда уни модернизация қилиш бўйича ҳамкорликдаги лойиҳани амалга ошириш, шу жумладан ахборотларни Марказий депозитарий маълумотлар базасидан Ягона дастурий комплексга кўчириш тадбирлари каби масалалар муҳокама қилинди.

2015 йилнинг сентябрь ойида Марказий депозитарий мутахассислари Олмаота шаҳрида (Қозоғистон) ўтказилган “Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш: бугунги кун ва истиқболлар” мавзусидаги XII Евроосиё марказий депозитарийлари уюшмаси (ЕМДУ) халқаро конференциясида иштирок этишди.

Конференция ишида Украина, Ўзбекистон, Россия, Белорусия, Қозоғистон, Арманистон, Қирғизистон, Корея, Туркия, Греция, Белгия, Буюкбритания, Люксембург ва Швейцария каби 70 дан зиёд давлат вакиллари иштирок этишди. Қимматли қоғозлар бозорида ўз фаолиятларини олиб бораётган Korea SD, Clearstream Banking S.A., ANNA, SWIFT, Euroclear Bank каби йирик халқаро ташкилот ва банклар вакиллари ўзларининг ҳисобот ва тақдимотлари билан иштирок этишди.

Анжуманнинг иккинчи кунида ЕМДУ иштирокчиларининг ёпиқ мажлиси: ЕМДУ иштирокчиларининг йиллик умумий мажлиси бўлиб ўтди. Унда уюшмага Туркия марказий депозитарийси (Merkezi Kayit Kurulusu A.S.) ва иккита ҳинд депозитарийлари – Central Depository Services Limited (CDSL) ҳамда National Securities Depository Limited (NSDL) каби янги иштирокчилар қабул қилинди. Шунингдек, ЕМДУ аъзолари қарорига кўра Clearstream Banking ва “Инфинитум” Россия махсус депозитарийси уюшма кузатувчиси мақомига қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, қимматли қоғозлар бозори шаффофлигини янада ошириш, унинг қатнашчиларининг ахборот билан таъминланганлик даражасини яхшилаш мақсадида Марказий депозитарийнинг Интернет тармоғида 2001 йил 1 сентябридан буён фаолият кўрсатиб келаётган расмий веб-сайти ([www.deponet.uz](http://www.deponet.uz)) ўтган йилда бутунлай янги замонавий қиёфада юз кўрсатди. Кенг аудиторияга мўлжалланган ушбу веб-сайтда Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси фаолияти ва Ўзбекистон Республикаси депозитар тизимининг асосий қирраларига доир янгиликлар, маълумотлар ва бошқа турдаги интерактив хизматлар ўрин олган.